

Дунёнинг энг бой шаҳари



15:13 / 29 июнь 1221

XIV-XV асрларда, Ғарбий Африкада жойлашган Тимбукту шаҳри дунёнинг энг бой шаҳари, ҳудуди эса Лондон шаҳридан беш маротаба катта бўлган. Илм, иқтисод ва ҳарбий салоҳиятига кўра, ўша вақтда дунёнинг пешқадам юртларидан эди. Шаҳар бу юксак нуфузга Мали ва Сонгай мусулмон империяси остида бўлган вақтларда эришган.

Бугунга келиб, француз истилоси уни тарк этгач, Тимбукту шаҳри Лондондан 236 марта кичик. Унинг аҳолиси беш аср олдингидан кўра икки маротаба кам ва бу шаҳар айна дамда дунёнинг энг қашшоқ шаҳарларидан биридир.

Тимбуктуда қадимий масжидлар, мадрасалар, хусусан, Санкор мадрасаси бўлиб, шаҳар Африка қитъасидаги энг йирик илм марказларидан бири бўлган. Африкалик мусулмонларда: «Туз шимолдан келади, олтин – жанубдан келади. Аллоҳнинг сўзи ва ҳикмати эса Тимбуктудан келади» деган мақол бор экан. Шаҳарда ўз вақтида Макка, Қоҳира, Дамашқ, Бағдод ва бошқа шаҳарлардан келтирилган ва ўрганилган юз минглаб қўлёзма асарлар жамланган.

Тимбуктуда «Жингеребер», «Сиди Яҳё» ва «Санкор» масжидлари бўлиб, ЮНЕСКО дунё илмий мерос рўйхатида киритилган. Ўрта асрларда «Санкор» масжиди қошидаги жомеъда бир вақтда 25.000 илм толиблари шаръий илмлар билан бир қаторда, астрономия, медицина ва тарихга оид

билимларни дарс қилиб ўрганишган.

1893 йили француз истилочилари томонидан шаҳар босиб олинган.